


Тафаккур: Ҳиссиётга берилмайдиган шахсият эгаси



11:00 / 22.03.2021 4640

1969 йил 20 июлда Америкалик машҳур астронавт Нил Армстронг биринчи бўлиб ой сатҳига оёқ қўяди. Унинг эсдаликларида қуйидаги гаплар ёзилган:

«Мен реал инсонман. Ҳиссиётга берилмайдиган шахсият эгасиман. Отамнинг манзилини тарк қилганимда йиғламадим.

Севимли мушугим ўлганида йиғламадим.

Отам вафот этганида йиғламадим.

НАСА агентлигидан иш топганимда йиғламадим.

Биринчи бор ой сатҳига оёқ қўйганимда йиғламадим.

Аmmo ойдан туриб ерга боққанимда маҳзунлик ва ғам томоғимга тиқилди. Ҳўнграб йиғладим. Америка байроғини ой сатҳига санчишга ҳаракат қилдим. Нега йиғлаганимни биласизми?

Сабаби шуки, ой билан ер орасидаги шу кичкина масофадан ерга боққанимда нуқта сингари мовий, ҳақир, чегаралардан холий, ранглардан холий, ирқ ва жинслардан холий ерни кўрдим. Ўзимга-ўзим: «Биз инсонлар нега урушамиз?! Нега бир-биримизни ўлдирамиз?!»

Бош бармоғимни ернинг рўпарасига қўйдим. У ерни тўлиқ қоплади. Мен бу жаҳолат, кўрлик ва биз ғарқ бўлган таассуб учун хўнграб-хўнграб йиғладим!».